



ЙИГИНЛАР ҲАЁТИДАН

ҲАР БИР КЎЧА, ҲАР БИР ҲОВЛИ НАМУНАЛИ БЎЛАДИ



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Намунали фуқаролар йиғини қандай бўлиши керак, деган савол барчани қизиқтириши табиий. Чунки ҳар биримиз маҳаллада тугиламиз, улгайиб, вояга етамиз. Шу боис маҳалла барчамизнинг орзу ва интилишларимиз шаклландирган ноёб маскандир.

Фуқаролар йиғинлари мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунлар ва қонуности ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасида самарали ишларни амалга ошириб келаётир.

Тошкент шаҳар ҳокими қарорига биноан, Яқкасарой тумани «Ракат» маҳалласини намунали йиғинга айлаштириш бўйича амалга ошириладиган манзилли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Йиғин фаолияти ушбу режадан келиб чиқиб, ўз вазифаларини белгилаб олганлар. Бугунги кунда айни йўналишда кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга ошириляпти.

«Ракат» маҳалла фуқаролар йиғинидаги саранжом-саришталик, одамларнинг ҳамжиҳатилик эътиборини тортади. 11,5 минг нафардан зиёд аҳолини бағрига олган мазкур йиғин ҳудудда жойлашган Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, институт қошидаги академик лицей ва касб-хунар коллежи, Эстрада ва цирк коллежи, умумтаълим мактаби, мактабгача таълим муассасалари, «Аския» деҳқон бозори ҳамда 70 дан ортиқ маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари билан ижтимоий шериклик алоқаларини урнатган.

Шу боис йиғинда аҳолининг иш билан таъминланганлиги, моддий ва маънавий қўллаб-қувватланганлиги даражаси юқори, ҳудуд ободиди диққатга сазовор.

Йиғин ҳузурдаги Экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссия аъзолари ҳудудни ободонлаштириш, ат-

роф-муҳитни саранжом сақлаш, кўпқаватли уйлarning йулакларини тартибга келтириш бўйича қатор ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, туман тиббиёт, таълим муассасалари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда аҳоли уртасида «Энг обод кўча», «Энг обод уйд», «Энг обод хонадон» танловлари ўтказилмоқда. Одамларни ўз ён-атрофини озода сақлаш, тартибли тутиши борасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориляпти.

Бу ерда болалар майдончалари, спорт заллари, уйингоҳлар қуриш ишлари жадал олиб борилмоқда. Янги барпо этилган иншоотлар ҳудудда аниқланган 15 та ноқонуний қурилишнинг бар-тарофи этилиши ва фойдаланилмаётган майдонларнинг тартибга келтирилиши ҳисобига амалга оширилмоқда. Шунингдек, маҳаллада пивда ва машиналар ҳаракатланишини осонлаштириш мақсадида мавжуд 300 дан зиёд гаражлар олиб ташланиб, замонавий автотураржойлар қуриляпти. Ҳозирда 6 та автотураржой, қўриқланадиган чиқиндиҳоналар қуриб битказилиши арафасида. Йиғиндаги 90 га яқин йўлаклар таъмирланиб, кўпқаватли уйлarning кириш эшикларига қодим қўлф урнатилади. Бундан ташқари, 1,800 кв.м ҳудудни асфальтлаш ҳам режалаштирилган.

Умид УЗОҚОВА «Mahalla»

ЭҶТИРОМ

ИНСОН ҚАДРИ АЗИЗ, ШАЪНИ МУҚАДДАС



< [1]

Президентимиз Ислам Каримовнинг жорий йилининг 25 апрелда қабул қилган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда уруш қатнашчиларига, кекса авлодга кўрсатилаётган эҳтирмоннинг ёрқин ифодаси бўлди. Мазкур фармонга мувофиқ барча шаҳар ва туманларда, қишлоқ ва маҳаллаларда уруш қатнашчилари ва ноғирларига 500 минг сўм миқдорда бир марталик пул мукофотлари тантанали равишда топширилмақда.

Шунингдек, байрам муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазири раҳбари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Муҳофаза вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги каби давлат ташкилотлари билан бирга Хотин-қизлар кўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси, «Қамолот» ЕИҲ, Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари ҳамкорлигида тугизилган ушбу лойиҳага бирлашган йигит-қизлар ўзлари яшаётган ҳудудларда истиқомат қиладиган ёлғиз кексалар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилган фахрийларнинг уй-рўзгор ишларида кўмаклашадиган ишларимиз қалбидан эзгу фазилатлар илҳам олаётган бўлади.

Президентимизнинг номи юқоридики қайд этилган фармони ижросини таъминлаш юзасидан «Нуроний» жамғармасининг тегишли вазирлик ва идора-ларга нодават нотижорат ташкилотлар ҳамкорлигида тугизилган махсус режасига мувофиқ Хотира ва қадрлаш куни юртимизнинг барча ҳудудларида юқори савияда ўтказилган бўлади. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига давлат боджетидан ажратилган пул мукофотларини байрамона тарзда топшириш, нуронийларга меҳр-эътибор кўрсатиш билан боғлиқ кенг қамровли вазифалар адо этиляпти.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳам ушбу хайрия ишларини ташаббускорларидан. Кўплаб мурувват ёрдамлари билан халқ эътиборини қозонаётган мазкур тугилма жорий йилда 2225 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига 112 миллион сўмдан зиёд маблағ берилди.

«Нуроний» жамғармаси билан биргаликда маҳаллаларда, таълим муассасаларида учрашув ва бадиий кечаларни юқори савияда ташкиллаштиришга бошқош бўлди.

Бугун жамиятимизда тўз узарилар юз бераётир. Юртимиз улкан бунёдкорлик майдонига айланган. Миллатларотулувлик, кунгли эриларга меҳр-мурувват кўрсатиш, қарияларни қадрлашдек хайри тадбирлар нодават нотижорат ташкилотлар ва фуқаролар жамиятининг бошқа институтлари фаолият йўналишларидан мустақим ўрин олгани қувонarli. Зотан, эзининг инсонийлик бурчини адо этиб, жанг жаддаларда ҳалок бўлганлар хотирасини абадийлаштириш, тинч ва осуда кунларга етиб келганларни қадрлаш ҳар биримизнинг бурчимиз.

Собир ТУРСУНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — БОШ МЕЗОН МУРОЖААТЛАР ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛДИРИЛМАЙДИ

Ўзининг мустақкам қонуний асоси ҳамда қатор ваколатларига эга бўлиб бораётган маҳалла тизимига нисбатан аҳолининг ишонч ва эътибори тобора ошиб бормоқда.



Бундан кейинги йилларда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Бухоро вилояти бўлими, шаҳар ва туманлар бўли-малари ҳамда фуқароларнинг узини ўзи бошқариш орган-ларига тушган мурожаатлар сонидан ҳам билса бўлади. Чу-нончи, жорий йилининг даст-лабки чорагида фонд ҳудудий тугилмаларига 305 та ариза келиб тушган.

— Ҳар бир мурожаат ор-тида инсон тақдирини ётади, — дейди Фонднинг вилоят бўли-ми бошқаруви раиси Маҳмуд Тоиров. — Фуқаро минг бир истиҳоло ва мулоҳаза билан ташкилот эшигини қоқдими, демак, унинг жиддий муаммо-си бор. Шу боис фуқаролар мурожаатларини ўз вақтида, кечиктирмасдан ҳал этиш бур-чимиздир.

Дарҳақиқат, жорий йил-нинг уттан чораги мобайнида вилоят бўлимига моддий кўмак сўраб ёзилган 20 та мурожа-атнинг барчаси тегишли тар-тибда қаноатлантирилди. Хусу-сан, Пешку тумани Варахша қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Бухоро давлат уни-верситети 2босқич талабаси со-лиғини тиклаб олиши учун ёрдам сўради. Ушбу мурожа-атта нисбатан унинг даволани-ши учун фонд маблағлари ҳамда ҳомийлар ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатилади.

Когон туманидаги «Геофи-зика» маҳалласидан М. исмли шахсининг оиласи ёнғиндан та-лафот кўрди. Тилсиз ёв кел-тирган зарарни қоплаш мақ-садида унинг мурожаати қон-дирилиб, фонд вилоят бўли-ми томонидан унинг қайта таъ-мирлаш ва жиҳозлаш учун ма-блағ ажратилди. Бухоро шаҳридаги «Истиклол» маҳал-ласида яшовчи, боқувчисини йўқотган бир нафар талабага ўқув-шартнома пуллари тўлаб берилди.

ли тарзда тасдиқланган, — дейди М.Тоиров сўзини давом эт-тириб. — Шундай бўлса-да, бўлимга тушаётган барча ари-за эгаларини оstonадан умид-сиз орта қайтариб бўмайди. Бундай вазиятда ҳомий тадбир-корларни жалб этган ҳолда уларнинг муаммоларини ҳал этишга ҳаракат қилишимиз.

Жорий йилининг биринчи чорагида Фонд вилоят бўлими ва бўлинмаларига моддий ёрдам сўраб 230 та ариза туш-ган. Уларнинг 180 нафарига фонд маблағлари ҳисобидан жами 38 миллион 73 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилади. Му-рожаат билан чиққанларнинг 37 нафари ноғирон, 29 нафари ёлғиз кекса, 12 нафари уруш ва меҳнат фахрийсидир. Бундан ташқари, 60 та кам таъ-минланган, 11 та табиий офат-дан жабрланган оиллага ҳамда бир нафар талабага моддий ёрдам кўрсатилади.

— Фуқароларнинг му-рожаатлари таҳлил келинги йилларда аҳоли турмуш сифа-ти тобора ошиб бораётганини кўрсатмоқда, — дейди Фонд вилоят бўлими мутахас-сиси Мирзафар Турсунов. — Етти-саккиз йил аввал айрим қишлоқлар моддий ёрдам сўраб мурожаат этарди. Тўғри, бу каби аризалар ҳозир ҳам уч-райди. Аммо улар ёлғиз кек-салар, боқувчисини йўқотган-лар, имконияти чекланган фу-қароларнинг мурожаатлари. Аксарият аҳоли эса тадбир-корлик учун ер ажратиш, ўз бизнесини бошлашда банкдан кредит олишга кўмаклашиш ва бошқа йирик мақсадларни кўзлаб мурожаат қилади. Биз ушбу йўналишдаги аризалар-ни тегишли идораларга юбо-риб, уларнинг ижросини ҳам жамоатчилик йўли билан на-зоратга олаймиз. Натижада уттан чорада бизга мурожа-ат қилган 13 нафар коллеж биттурувчиси имтиёзин кредит ҳисобига ўз бизнесини бош-лади. Беш нафар тадбиркор, етти нафар фуқарога корхо-на ва уй қуриш учун ер аж-ратилишига кўмаклашди.

Ҳар бир мурожаатда кўрсати-лган ҳақли талаб ўз вақтида ечим топиши зарур. Ана шун-да аҳолининг маҳаллага ишон-чи янада мустаҳкамланади. Бу эса, маҳалла тизими мутасад-дилари, фаолларининг халқ орасига чуқурроқ кириб бори-шига имкон яратди.

Акбар РУСТАМОВ «Mahalla»

ҚОНУН КУЧГА КИРДИ ИМКОНИЯТЛАР КЕНГАЙСА, МАСЪУЛИЯТ ҲАМ ОРТАДИ



< [1]

ёлғиз, ногирон нафақахўрларни аниқлайди ҳамда давлат ва ҳуж-жалк бошқаруварли, нодават нотижорат ташкилотлар ҳамкорлигида кам таъминланган оилаларнинг фар-зандлари тўғрисида ўтказишга ма-дад беради.

Янги Қонундаги яна бир эъти-борли жиҳат шундаки, у фуқаро-ларнинг узини ўзи бошқариш орган-ларининг аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги ролини яна-да оширади. Фуқаролар йиғини кам таъминланган аҳоли қатламини қўллаб-қувватлаш чорасини кўради, шу мақсадда ажратилган давлат ма-блағларининг қонунда белгиланган тартибда мақсадли ва манзилли сар-фанишини таъминлайди. Айни чо-гда бандликка кўмаклашиш ҳамда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан биргаликда ёрдамга муҳтож фуқароларни, якка-

та, аҳоли манфаатларига мосдир. Бугунги кунда маҳалламиз ҳудуд-да 9 та фермер ҳўжалиги, 2 та новвойхона, 11 та иссиқхона, шунинг-дек, тикувчилик цехи, пойба-зал таъмирлаш устaxonаси фаоли-ят кўрсатмоқда. Янги Қонун улар-нинг фаолиятини янада ривожлан-тириш учун кенг йўл очади.

Оддин маҳалалар қонун ҳуж-жатлари ва йиғин қарорлари ижро-сини назорат қилиш, ҳар чорақда туман ҳамда вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботини эши-тиш, ободонлаштириш, тўй-маросим-ларини ўтказиш бўйича жамоатчилик назоратини урнатиш ваколатига эга эди. Қонуннинг янги тахририда эса бу ваколат кенгайиб, фуқаролар йи-ғинлари ўз ҳудуддаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларига риоя этилиши ҳамда коммунал хизмат кўрсатиш корхо-налари фаолияти устидан жамоатчи-лик назоратини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлди.

Қонундаги яна бир муҳим янги-лик давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фуқаролар йи-ғинлари фаолиятига араваларимиз бутун чек қўйилгани билан боғлиқ. Фуқаро-лар йиғинларининг муаки дахл-сизлиги, давлат томонидан ҳимоя-ланиши ҳам кафолатланди. Шунинг-дек, эндиликда коммунал хизматлар тўлови, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларда фуқаролар йиғинлари тегишли имтиёзларга эга бўлди.

Муҳтасар айтганда, янги тахрир-даги қонун маҳаллаларнинг ҳақиқат-дан ҳам халқ виждонини айлиниши йўлида улкан имкониятлар эшиги-ни очади.

Шухрат АҲМЕДОВ, Навбаҳор туманидаги «Оқолтин» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИКНИ ОШИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунини 4-моддасида: «Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши ва вилоят, туман, шаҳар ҳокими тегишли ҳудудда ўзини ўзи бошқаришни ривожлантиришга кўмаклашадилар, ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини йўналиштириб турадилар», деб белгилаб қўйилган.

Дарҳақиқат, бугунги кун-да маҳалла фуқаролар йиғин-лари ҳудудларини учрайдиган айрим камчилик ва муаммо-ларни ўз вақтида аниқлаб, уларнинг ечимини топишда маҳаллий кенгашларга сайлан-ган депутатлар билан ҳамкор-лик йўлига қўйилгани яхши са-мара беришти. Ўз навбатида, халқ вакиллари ҳам электротар билан ишонччи оқлаб, уртага ташланган масаланинг тез ва сифатли ечим топиши-дан бошланиши барчага аён.

Миробод тумани 19-Файзи-

фаоллиги ва ҳуқуқий мадания-ти юксаклигини сайловчилар тизимидики ҳам кўриб турибмиз, — дейди депутат Тошпулат Матибоев. — Бинобарин, Миробод туманидаги 19-Файзобод сай-лов округига қарашли тўққиз-та маҳалладаги 10 мингдан зиёд сайловчининг ишончини оқлаш, қирқ мингга яқин аҳолининг турмушига дахлдор муаммо ва масалаларни ҳал этишда фо-ликл зарур. Маҳалла фуқаролар йиғинлари билан иттиҳ ҳамкор-лик самараси ўлароқ, округи-миздаги маҳалла фуқаролар йи-ғинлари ўзининг замонавий би-носига эга бўлди. Чунки бутун-ги кунда, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Кон-ституцияси қабул қилингани-нинг йиғирма йиллигига бағиш-ланган тантанали маросимда таъкидлангандек, ҳаётимизни обод қилишнинг муҳим шарт-и бу, аввало, маҳаллани обод

қилишдир. Уттан давр мобайнида аҳолининг маънавий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақ-садида «Оғоҳлик — давр тала-би», «Диний экстремизм-ҳамда миссионерлик йиғилари-га қарши кураш» ва «Ҳуқуқий саводхонликни оши-риш — бугунги кун талаби» каби мавзуларда кўплаб учра-шув ва давра сўхбатлари таш-кил этилди.

Депутат Т.Матибоевнинг айтишича, ҳудуддаги 49, 154, 175- ҳамда 214-умумтаълим мактабларига йиғин мутасад-дилари билан ҳамкорликда компьютар жамланмалари совға қилинган. Келгусида ҳу-дуддаги барча йиғинлар фа-олиятини янада жонлантириш, уларни зарур адабиётлар бил-лан таъминлаш режалашти-рилмақда.

Депутат ўзи сайланган,

зиммага юкланадиган масъу-لياتдир.

«Толариқ» маҳалласи ҳуду-дида битта болалар майдонча-си, баскетбол, волейбол, фут-бол майдонларининг фойдала-нишга топширилгани маҳал-лий кенгаш вакили билан йи-ғин мутасаддиларининг саъй-ҳаракатлари натижасидир.

«Дўстлик» ва «Биродар-лик» маҳаллалари аҳолиси-нинг мурожаати асосида ҳудуддаги иккита куча гулиқ асфальтлангани ҳам кишини қувонтиради.

Хулмас, бугун нури ман-зиллар сари оқимлаётган Ва-танимизнинг ҳар бир фарзан-ди борки, бу хайри ишларга ўзининг муносиб ҳиссасини қўлишни истади. Зеро, элга хизмат олий шарафдир.

Толибжон НИЗОМОВ «Mahalla»

МАҲАЛЛА — ОИЛАВИЙ БИЗНЕС МАРКАЗИ

МЕҲНАТ БИЛАН ТОПГАНИНГ — ҚАНДУ АСАЛ ТОТГАНИНГ



тадбиркорлар юрти — Қўқон маҳаллаларида кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш борасида намунали ишлар йўлга қўйилган.

2 минг нафардан зиёд аҳоли умргузаронлик қилаётган маҳалла аҳли доимий иш ўрнига эга бўлиш баробарида, хонадонда ҳам оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиб, мўмай даромад топтомоқда.

— Тадбиркорлик, ҳунармандчиликда ҳалол ризқ-насиба топиш ва шу йўл билан оила тебратилиш халқимизга хос фазилатлардан, — дейди «Бунёдкор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳромжон Мирзажонов.

корлик фаолиятини бошламоқчи бўлган ёшлар сафи кенгаймоқда. Қўқон қурилиш касб-ҳунар коллежи битирувчилари Муассархон Мирзахмедова иссиқхона, Нозима Муҳаммадова эса тикучилик тармоқларини йўлга қўйиш учун банк кредитларини олаётди.

Маҳаллада ҳар ойнинг пайшанба куни «Тадбиркорлар куни» деб белгиланган. Бунда амалга оширилиши зарур ишлар муҳофизат қилиниб, мавжуд муаммолар бамаслаҳат ҳал этилади.

— Асосий эътиборни ёшларни ҳунарга йўналтириш, шу орқали тадбиркорлик ва оилавий бизнес, туникасозлик, қосиблик, темирчилик, ганчкорлик замонавий янгиликлар билан уйғунлаштириш тараққиёт этмоқда.

нафарга яқин маҳалла ёшига қосиблик сир-асрорларини ургатишмоқда. Бундан андоза олган дўшмандуз Доноҳон Хусанова, тикучи Шоирахон Асламова, пишиқамедова эса тикучилик тармоқларини йўлга қўйиш учун банк кредитларини олаётди.

Бундан ташқари, кам таъминланган оилаларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш билан оилалардаги иқтисодий муҳитни яхшилашга эришишимиз.

Кишилари ҳалол меҳнат орқали даромад топаётган «Бунёдкор»да тинчлик, хотиржамлик, ҳамжиҳатлик ҳукмрон. Шу боис кейинги йилларда бу ҳудудда ёшлар, аёллар ўртасида жиянотчилик, майда безорилик, оилавий ажрим рўй бермади.

— Маҳалламизда ўз ишининг чинакам усталари кўп. Қосиб Икромжон Абураҳмонов ва Раҳманжон Сайфиддиновлар 20

ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

КАСБ МАЛАКАСИ КОРХОНАДА ШАКЛЛАНТИРИЛАДИ



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

Қибрай туманида ҳам бу борада кўплаб хайри ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, коллежалар битирувчиларини эгаллаган мутахассисликлари бўйича доимий меҳнатта жалб этишда «Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг Тошкент вилояти бўлими ва бўлинмалари томонидан фаол иш олиб бориляпти.

Жойларда ота-оналар, мутасади ташкилотлар вакиллари иштирокида катта ҳаёт оstonасидаги йилит-қизларни танлаган касб-корлари бўйича ишга жойлаштиришда «корхона — коллеж» ҳамкорлиги муҳим оми бўлмоқда.

Отабек Расулов Қибрай Агротижорат касб-ҳунар коллежининг ветеринария йўналиши 3-босқичида таълим олиш билан бирга, ўқув дароҳининг доимий ҳамкори — Қибрай тумани ветеринария бўлимида соҳага тааллуқли bilimларини амалиётда қўллаб келаяпти.

Коллежда Отабек сингари ўқувчилар кўп. Бу ўқув маснафида 538 нафар талабага молия, банк иши, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, автомобилларга техник хизмат қўраш, ветеринария ҳамда экология йўналишларида таълим олиш имконияти яратилган.

Ўқувчиларнинг касб кўникмалари шаклланишида «корхона — коллеж» ҳамкорлиги асослаётди. Тумандаги банк муассасалари, ветеринария бўлими, машина ва трактор парки, Тошкент трактор заводи, парранда фабрикалари, чорвачиликка ихтисослашган ҳўжаликларда ўқувчилар амалий кўникма ва мала-

каларини шакллантиряпти. Шуниси қувонармик, коллеж ёшларини доимий ишга жалб қилишда мазкур корхоналар билан биргаликда иш олиб борилиши натижасида бу йили битирувчилардан 60 нафардан зиёдининг иш жойлари тайин бўлди.

— Коллежимизда сифатли таълим бериш, касбий малакага эриштириш учун барча шароитлар яратилган, — дейди ўқув ишлари бўйича директор урибосари Мадина Солиева. — Жумладан, ўқувчиларнинг буш вақтларини мазмунли ва мароқли ўтказиш учун фан, спорт ҳамда бадий тўғарақлар ишлаб турибди, турли учрашувлар ўтказиб келмоқдамиз.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг Қибрай тумани бўлими масъул ходимлари фуқаролар йиғинлари раислари, йиғинларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, маҳалла фаоллари, ота-оналар билан биргаликда маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, ёшларни ишга жойлаштириш, касб-ҳунар эгаллашлари учун шароит яратилишида самарали фаолият юритиб келмоқда.

Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ.

ҚУЛАЙЛИК

Бизнес лойиҳалар самараси

Сирдарё вилоятида аҳолига манший ва сервис хизмати қўраш борасида қиймати 3 миллион сўмлик 124 та лойиҳа бўйича ишлар бошлаб юборилди.



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Қувонарлик, бу ишларнинг асосий қисми оилавий корхоналар ҳисобига тўғри келаяпти. Гулистон шаҳридаги «Разоқ ҳамкор Нурсултон» оилавий корхонасининг фаолияти аҳолига шундай хизмат қўрашдан иборат.

Корхона раҳбари Гулнара Умарова Фонд Форум қошидаги «Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш» жамғармасига кир ювиш шохоб-

часини ташкил этиш юзасидан ўз бизнес-режасини тақдим этди. Унинг лойиҳаси маъқуланиб, сертификат берилди. Банк томонидан ажратилган 28 миллион сўм маблағ 2 қаватли бинони таъмирлаш ва қайтадан реконструкция қилишга йўналтирилиб, ишчилар ва мижозлар учун барча шароитлар яратилди.

Бугунги кунда шу ернинг ўзига бир нечта савдо шохобчаси, мебеллар таъмирлаш, кир ювиш, сантехника тармоқларини алмаштириш, электр хизмати қўраш, сартарошлик, сувқочлик каби қатор юмушлар бажарилмоқда. Вилот ҳўкиммати оилавий корхонани икки камерали замонавий кир ювиш ва қўригиш ускунаси билан тақдирлади.

Тошпулат ҲАЙИТБОВЕВ «Mahalla»

ИШ БИЛАНГА БАЛЛИ!

СИФАТИ АЪЛО БЎЛСА, ХАРИДОР КЎПАЯДИ



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Юнусобод туманидаги «Бободехқон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлашга йўналтирилган «Хусан Иброҳимов» хусусий корхонасининг ишга туширилганига кўп вақт бўлгани йўқ.

Бирок у ерда ишлаб чиқарилаётган сут маҳсулотлари амалқочон ўз харидорини топибди. — Цех фаолиятининг йўлга қўйилиши натижасида саксонга яқин ёш ишчи бўлди, рўзгорларига барака кирди, — дейди корхона раҳбари Хусан Иброҳимов.

— Хусан Иброҳимовнинг тадбиркорлиги нафақат маҳалладаги ишчиликка чек қўйди, балки ҳудудни ободонлаштиришда ҳам оми бўлмоқда, — дейди «Бободехқон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тоир Эргашев. — У 11 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфлаб, маҳалла кўчаларига асфальт ёққизди.

Ҳа, ишнинг кўзини билган, уйдўрун одам нафақат ўзининг, балки бошқаларнинг ҳам турмуши обод бўлишига ҳисса қўшади.

Баҳодир ҲАЛИМОВ «Mahalla»

ТОМОРҚА — КОНИ ХАЗИНА

ШАРОИТ ВА ҲАРАКАТ УЙҒУНЛАШГАНДА

Жума шаҳрининг «Ҳовузак» маҳалласида ишбилармон кишилар кўпчилигини ташкил қилади. Норбута Тўрақулов ҳам боғдорчиликнинг ҳадисини олганлардан.

— Ўтган йили мева мўл бўлди, — дейди Н.Тўрақулов. — Уч туп хурмонинг ўзиндан саккам ярим тонна ҳосил олдик. Мева сотиб олмаймиз, эҳтиёжimizдан ортганини бозорга чиқарамиз.

Пастдарғомликларнинг деҳқончиликдаги илгор тажрибасини «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими эътиборсиз қолдираётгани йўқ. Улар тумандаги тегишли ташкилотлар ва тижорат банклари билан ҳамкорликда тармоқни ривожлантириш мақсадида бир қатор ишларни амалга оширмоқда.

Томорқа учун уруғ олишнинг бир қисми аҳоли, яна бир қисми эса тижорат банклари маблағлари ҳисобига тўғри келмоқда. Жумладан, «Агробанк»нинг Жума филиали 87 миллион сўмлик, Гузалкент филиали 91 миллион 200 минг сўмлик, «Микрокредитбанк»нинг Жума филиали 114 миллион 600 минг сўмлик кредит ажратди.

Ҳозиргача томорқа ерларидан 5906 гектар майдонга қишлоқ ҳўжалик экинлари, жумладан, 2000 гектарга яқин майдонга сабзавот, 2700 гектардан зиёд ерга галла, 145 гектарга полиз, 1150 гектарга картошка, тулли хил сабзавотлардан яхшигина даромад топишти. Хонадонда йил бўйи исмалоқ ўстиради.

Одил СОРМОНОВ.



ОСОЙИШТАГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ

ҲУШЁРЛИКДА ҲАЛОВАТ БОР, ХАВОТИР ЙЎҚ

Истиқлол шарофати билан мамлакатимиз кун сайин тараққиёт этиб бормоқда. Бундай юксалишларни жамиятимизнинг кичик бугини — оила миқосида ҳам қўраш мумкин. Оиладаги фаровонлик маҳаллалардаги тотувакни таъминлашда пойдевор вазифасини ўтайди.

Китоб тумани Ҳамид Олимжон номидаги маҳаллага йўналиш тушса, тинчлик, саранжом-сарипталик, ободлик, кишилар кайфиятидаги кўтарилишнинг гувоҳи бўласиз. Тўрт ярим минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган бу маскан ободлиги билан ажралаб туради.

— Маҳалла аҳлини, айниқса, ёшларни оммавий маданият, турли ёт таъсирлардан сақлаш йиғинининг асосий вазифалари сирасидан, — дейди маҳалла раиси Қурбон Ҳамидов. — Бу борада, асосан, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардори ҳамда ҳудуд профилактика инспектори хизматларига суянамиз.

Дарҳақиқат, маҳаллада осойишталикни сақлашга асосий масъул ҳудуд профилактика инспекторларидир. Улар аҳолининг ҳўқуқий маданиятини ошириш, ёшлар ўртасида жиянотчилик, ҳўқуқбузарликларнинг оддини олишда фуқаролар йиғинига ёрдам бериб келаяпти.

Ҳамид Олимжон номидаги маҳаллада жойлашган милиция таянч пункти профилактика инспектори Беҳзод Эмүрдовнинг фаолияти эътирофга лойиқ. У йиғин мутасадилари ва фаоллари билан

Бекзод БОТИРОВ.

ТАЙЁР МАҲСУЛОТ — ХОРИЖГА

Илгор технологиялар асосида

Бухоро туманидаги Работиқалмоқ қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда иш бошлаган «Бухоро шатен клеан» корхонасининг кир ювиш воситалари ўзининг ҳўшбўйлиги билан ажралаб туради.

Замонавий технология асосида жиҳозланган, суткасига 10 тоннагача маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга корхонада айни пайтда 7 турдаги тозаловчи воситалар ишлаб чиқарилмоқда.

Асосийси, ушбу замонавий техника ва ускуналарни бошқараётган ходимларнинг барчаси шу маҳалла аҳолиси, аксарияти эса, ўтган ўқув йилида касб-ҳунар коллежларини тамомлаган ёшлардир.

Акбар РУСТАМОВ «Mahalla»

